

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Бекзод Атамуродов

Кадастр агентлиги ходими

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда маҳаллий бюджет даромадалини шакллантиришда солиқларнинг ўрни ва аҳамияти катта ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиётида турли манбалардан фойдаланилсада, уларнинг бирламчи даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқларнинг аҳамиятини ошириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирда маҳаллий бюджетларнинг, айниқса қишлоқ ҳудудларида маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маҳаллий бюджетларни шакллантиришдаги аҳамияти кутилган натижаларни бермаяпти. Бу ўринда маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улуши сезиларли даражада эмас.

2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш бўйича уларнинг масъулиятини кучайтириш” асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Ушбу мақсадга эришишда, аввало, маҳаллий ўз - ўзини бошқариш органларига кўпроқ мустақиллик бериш, маҳаллий бюджетнинг даромадлар манбалари ва харажатларнинг аниқ мақсадли ҳамда асосли йўналишини белгилаш, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот (муассаса)ларнинг харажат сметаларини оқилона тузилишини таъминлаш, ўз навбатида, бюджетга солиқ тушумларини тушишини назорат қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Республика ва маҳаллий бюджетлари ўртасидаги муносабатларни, боғлиқликни янада такомиллаштириш, шубҳасиз ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш, улар ўртасидаги иқтисодий номутаносибликка мумкин қадар барҳам беришдан иборат. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топиш, солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий қилиш ва мавжуд солиқ тушумлари асосини такомиллаштириш соҳасида бир қанча ишлар амалга оширилган бўлсада бу ишларнинг ҳақиқий ҳолати ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шу сабабли маҳаллий бюджетлар фаолиятини ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш зарурдир.

Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан ташкил топади. Ушбу солиқларнинг ичида мол-мулк солиғининг аҳамияти ўзига хосдир.

Мол-мулк солиғини ислоҳ қилиш солиқ сиёсатида муҳим устувор аҳамият касб этади, чунки даромадларнинг фойдаланилмаган салоҳиятини, шу жумладан, солиқ юкини қайта тақсимлаб олиш ва ҳудудларни босқичма-босқич ривожлантириш орқали амалга оширилади. Ҳудудлар инфратузилмасининг яхшиланиши мол-мулкларни солиққа тортишдан олинадиган тушумларни янада оширади ва маҳаллий бюджет даромадларининг ўсишига, жумладан, туман, шаҳар инфратузилмасини янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий солиқ ва йиғимлар ва йиғинига мол-мулк солиғи; ер солиғи; реклама солиғи; автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ; ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари; юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим; ободончилик учун йиғим ва бошқалар киради.

Маҳаллий солиқ ва йиғимлар ва йиғини маҳаллий бюджетга ўтказилади, уларнинг миқдори, ставкалари, ундириш тартиби, солиқдан имтиёзлар бериш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари томонидан, амалдаги қонунларга мувофиқ белгиланади. Мол-мулк ва ер солиғи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва республикаимизнинг бутун ҳудудидан ундирилади. Бу солиқларнинг ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги 742-сон қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари ишлаб чиқилган ва бугунги кунга қадар ижроси таъминланиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, маҳаллий бюджетларни шакллантиришда солиқларда берилаётган имтиёз ва преференциялар кичик ва ўрта бизнесни ривожланишига ҳамда маҳаллий бюджетларнинг ошишига олиб келади. Бу эса аҳолини иш билан таъминлаш, мавжуд инфраструктурани янгилаш, тадбиркорларга берилаётган кредит имтиёзлари талабнинг ошишига ва қўйи буғиннинг мавжуд муаммоларини ечишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Lex.uz.
 2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009й.
 3. Ўзбекистон еспубликаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Lex.uz.
 4. белгилаб берилади.
- Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги 742-сон қарори.